

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИНГЛИЗ ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ**

Факультетлараро чет тиллар

кафедраси ўқитувчиси

АТАМИРЗАЕВА ЭЪЗОЗА

БЕКМИРЗАЕВНАНИНГ

**“Турли тизимли тилларда ҳолат феълларига
психолингвистик ёндошув”**

НОМЛИ

МАҚОЛАСИ

НАМАНГАН-2018

ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАРДА ҲОЛАТ ФЕЪЛЛАРИГА ПСИХОЛИНГВИСТИК ЁНДАШУВ

Охирги йилларда тилшуносликда қатор янги илмий йўналишлар, жумладан, когнитив лингвистика, этнолингвистика, психоллингвистика каби йўналишлар кундан –кунга илдам кадамлар билан ривожланиб бормоқда. Табиийки, ушбу йўналишлар мантиқан бир бири билан узвий боғланган.

Тилнинг психоллингвистик хусусияти шундаки, тил, бир томондан, фаолият категорияси сифатида қаралса, иккинчи томондан, нутқ фаолияти категорияси сифатида таҳлил қилинади. Демак, тил ва нутқ орасидаги муносабат ҳақидаги тушунчалар муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш лозимки, психоллингвистик йўналиш бошқа фанларнинг ривожланишига ўзининг катта таъсирини кўрсатмоқда ва илмий тадқиқотнинг янги объектини аниқлашга, шунингдек инсонлар орасидаги ўзаро мулоқотнинг такомиллашишига асос бўлиб қолмоқда ва тадқиқот предмети сифатида шаклланимоқда. Ушбу маърузамизда француз ва ўзбек тилларидаги ҳолат категориясининг махсус конструкцияси **“avoir+nom”** ёрдамида қандай йўллар билан ифодаланишини психоллингвистик хусусиятларини таҳлил қиламиз.

Француз тилидаги **“Avoir”** ёрдамчи феъли билан қўлланидиган конструкциялар сўз чегарасини аниқлаш муаммолари билан боғлиқ бўлиб, ушбу конструкция ўзига хос психоллингвистик хусусиятларга эга. Маълумки, тилшуносликда танланган илмий объект ҳақида турли хил назарий қарашлар мавжуд. Жумладан, В.Г. Гак (Гак, 1977, с.248), **“Avoir+ot”** конструкциясини бир тушунчани англатадиган **“аналитик лексик бирлик”**, **“аналитик таълим”**, деган бўлса, Л.И. Илия (Илия, 1962, с.22), **“турғун бирикма”**, А. Г. Степанова (Степанова, 1975, с.84), **“преморфологик бирлик”** деб атаган. Айтиб ўтилган изоҳларда олимлар эгаллаб турган

позицияларидан келиб чиқиб, конструкциянинг алоҳида аспекти , турғунлигини, аналитизмлигини ўрганадилар, лекин баъзи саволлар жавобсиз қолмоқда.

Таъкидалш лозимки, шу кунгача “Avoir” феъли билан қўлланадиган турли хил артикларнинг гапларда келиши хилма хиллиги сабаблари мавҳумлигича қолмоқда : j`ai fièvre?, j`ai de la fièvre ?, j`ai la fièvre, j`ai une fièvre, j`ai chaud, j`ai crainte, j`ai la crainte, j`ai une crainte, j`ai fois, j`ai la fois ва бошқалар.

Мисоллар таҳлили шуни кўрсатадики, “avoir+nom” конструкцияси таркибида тўрт хил артикл қўлланиши маълум бўлди. Улар қуйидагилар:

1) “avoir+nom” (қисм артикл). Қисм артикл билан қўлланувчи мавҳум отли элемент қуйидаги лексик бирлик билан учраши маълум бўлди: du courage (куч), de l`espoir (умид), de la fièvre (иситма), du mal (оғриқ), de la patience (чидам), de la peine, (қийинчилик) de la sympathie (симпатия) ва бошқалар. Бунда сўзлар инсон ҳиссиётларини, унинг жисмоний ва ахлоқий кечинмаларини ифодалайди. Мавҳум отлар реал ҳолатдаги мавҳумлаштириш йўли билан ҳосил бўлган тушунчани ифодалайди. Шу сабабли уларни ёрқинроқ ифодалаш мақсадида қисм артиклини қўллаш мақсадга мувофиқ. J`ai plutot de la sympathie pour vous.- Мен сизни жуда ҳурмат қиламан;

2) “Avoir+ nom нулевой артикл. Нулевой артикл билан қўлланувчи мавҳум отли элемент қуйидаги лексик бирликлар билан учрайди: besoin (муҳтожлик), chaud (иссиқ), crainte(кўрқув), droit (ҳуқуқ), envie(ҳохиш), faim (очлик), froid (совуқ), hate (шошилиш), honte (тортиниш), horreur(кўрқув), interet(қизиқиш), mal (оғриқ), peur (кўрқув), pitié(рахм шавқат), plaisir(хурсандчилик), raison (ҳақ), respect(ҳурмат) , soif(чанқоқ), sommeil(уйқу), tort(ноҳақлик), vergogne(тортиниш).

Гийом фикрича , “ нулевой артикл” билан қўлланувчи отли бирликлар инсоннинг ички ҳиссиётларини, кечинмаларини, унда содир бўладиган сезгиларни ҳис қилишни акс эттиради. Бу каби мавҳум сўзларнинг

хусусиятли томони шундаки, улар конкрет ҳис туйғуни , сезгини ифодалайди.

Шундай қилиб, мисоллар таҳлили ва гапларнинг таржимасидан шу нарсга маълум бўладики, қисм артиклар билан қўлланган конструкция субъектни ички ҳолатини англатган бўлса , нулевой артиклар билан қўлланганда эса мазкур конструкция сўзловчи ва тингловчи орасидаги муносабатни билдирмоқда.

Адабиётлар

1. Гак. В.Г Сопоставительная лексикология – М, 1977.
2. Илия . Л. И. Синтаксис современного французского языка.-М., 1962.
3. Степанова.А.Н. Преморфологические единицы французского языка- Минск, 1975.
- 4.Guillaume G. Le probleme de l'article et la solution dans la langue francaise.-Paris.1919.